201_ Alisher Navoiy
A nomidagi
O'zbekiston MK

# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

28 йил
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2019-yil 15-avgust, payshanba 52 (9019)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 август куни мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва тижорат банклари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ёқилғи-энергетика, қайта ишлаш саноати ва агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилинди.

Бундан буён Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, вазирлар, қўмиталар ва хўжалик бирлашмалари раислари ўзларининг иш услубини тубдан ўзгартириб, кўпроқ ҳудудларга, олис қишлоқларга бориб, пастдаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда ҳокимликлар, тадбиркорлар ва жойлардаги раҳбарларга амалий ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди.

Бунда ҳар бир комплекс раҳбари ўзининг вазирлари билан бирга ҳар чоракда вилоятларга бориб, тегишли соҳаларда мавжуд муаммоларни ҳал этиши ва натижалари бўйича вилоят халқ депутатлари кенгаши ва фаоллари олдида ҳисобот бериши керак.

Худди шундай, вилоятлар ҳокимлари ҳам ўз ўринбосарлари ва вилоят бошқармалари раҳбарлари билан бирга ҳар чоракда туманларга бориб, муаммоларни ҳал қилиб, туман халқ депутатлари кенгаши ва фаоллар олдида ҳисобот беради.

Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига раҳбар ва ҳокимларнинг пастга тушиб ишлаши ва ҳисобот бериши бўйича янги тизимни амалда жорий қилиш масъулияти юкланди.

Йиғилишда **макроиқтисодиёт, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари** муҳокама қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 5,8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6,9 фоиз ўсгани қайд этилди. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2,6 триллион сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қолдирилди. Бюджет даромадлари қарийб 51 триллион сўм ёки прогнозга нисбатан 109 фоизни ташкил этди.

Йиғилишда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мутаносиб бўлишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларга қўшимча тушумлар резервларини топиш ва сафарбар қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банк тизимини тубдан ислоҳ қилиш, замонавий банк хизматларини жорий этиш ва уларнинг сифатини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нархлар кескин ошиб кетишининг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Дастлабки 6 ойда инфляция 5,6 фоизни ташкил қилиб, прогноз кўрсаткичларидан ошмаган. Лекин тарифлар ва нархлар босқичма-босқич бозор механизмларига ўтаётгани боис мутасаддиларга инфляция ўсишининг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўриш топширилди.

Маълумки, август ойи бошида ўтказилган йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, бу борада янги тизим жорий этиш белгиланган эди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиб, унга Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, тижорат банклари ва суғурта компаниялари бириктирилди.

Йиғилишда ушбу янги тизимни жойларда жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг бандлиги ва даромадини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Саноатнинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

– Охирги бир йилда ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улуши 26 фоиздан 30 фоизга етган бўлса-да, бу биз бошлаган ислоҳотлар кўламига нисбатан ҳали етарли эмас, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил охирига қадар Навоий кон-металлургия комбинатида 25 та, "Ўзэлтехсаноат"да 18 та, "Ўзавтосаноат"да 7 та, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 5 та инвестиция лойиҳаси бўйича янги қувватлар ишга туширилишини жадаллаштиришга доир тавсиялар берилди.

Қарийб 100 турдаги кундалик истеъмол товарларини саноат кооперацияси орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, корхоналар билан манзилли ишлаб, уларнинг қувватини оширишга кўмаклашиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили деб эълон қилинган жорий йилда сармоялар, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва ўзлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи ярим йилликда қарийб 86 триллион сўм, яъни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробар кўп инвестициялар ўзлаштирилгани бунга яққол мисолдир. Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши 2,7 баробар, халқаро молия институтлари маблағлари жалб этилиши 3,7 баробар ўсган.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш мақсадида, шунингдек, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ "Қарши", "Нукус" ва "Термиз" халқаро аэропортларида "бешинчи ҳаво эркинлиги"ни қўллаган ҳолда, шунингдек, "Бухоро" халқаро аэропортида "бешинчи ҳаво эркинлиги"ни хорижий давлатлар фуқароларини ташишда қўллаган ҳолда "Очиқ осмон" режимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда хорижий давлатларнинг авиация маъмуриятларини ва чет эл авиаташувчиларини "Очиқ осмон" режими жорий этилаётган Ўзбекистон халқаро аэропортларининг рўйхати тўғрисида, шу жумладан, дипломатик каналлар орқали хабардор этишни таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2020 йил 1 январдан:

туризм фаолияти субъектлари ва авиаташувчиларнинг хорижий мамлакатлардан Ўзбекистонга чартер рейсларини ташкил қилиш бўйича харажатларининг бир қисми ҳар бир хорижий турист учун, у республика ҳудудида камида беш кеча тунаб қолган тақдирда, 20 АҚШ доллари, қиш мавсумида (20 ноябрдан 20 февралгача) эса 50 АҚШ доллари миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қоплаб берилади;

хорижий кинокомпанияларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиовизуал маҳсулотлар (кино, теле ва видеофильм, клип, мультфильм, анимелар) яратишдаги харажатларининг бир қисми ("rebate") Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган харажатларнинг 20 фоизигача, лекин битта маҳсулот учун 300 минг АҚШ долларидан ошмаган миқдорда қоплаб берилади;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистоннинг тарихий ва афсонавий шахслари тўғрисидаги тўлиқ метражли бадиий, қисқа метражли бадиий, хроникал ҳужжатли фильмларни суратга олиш учун лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин 3 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади;

тадбиркорлик субъектларининг республика ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) чет эл таомларига ёки алоҳида йўналишга ихтисослаштирилган мавзули овқатланиш шохобчаларини, шунингдек, "караоке" заллари ва туристик кўнгилочар муассасаларни ташкил этиш харажатларининг бир қисми Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар бир лойиҳа учун 10 миллион сўм миқдорида қопланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича моддий маданий мерос объектлари ҳудудларига 5 тоннадан юқори вазнга эга катта ҳажмли автотранспорт воситаларининг киришига чеклов қўйилади;

ЮНЕСКО Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган маданий мерос объектлари ва давлат муҳофазасига олинган тарихий ёки маданий ёдгорликлар ҳудудида фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сувенир маҳсулотлари сотилади;

б) 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

энг юқори туризм салоҳиятига эга бўлган фуқаролар йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхатини шакллантиради;

ушбу фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун камида беш хил хизмат турлари (яшаш ва ёки овқатланиш бўйича хизматлардан ташқари) кўрсатилган тақдирда уларга "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" мақомини беради;

в) 2020 йилдан бошлаб "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" мақоми берилган фуқаролар йиғинлари "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурларига биринчи навбатда киритилади;

г) "Uzbekistan Airports" АЖга республиканинг халқаро аэропортлари таклифларига кўра:

аэропорт томонидан кўрсатиладиган хизматлар (Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган авиакомпанияларга кўрсатиладиган хизматлардан ташқари) учун ставкалар ҳамда йиғимларни белгилаш ва ўрнатиш;

аэропортнинг авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш учун зарурий инфратузилмани кенгайтириш ва модернизация қилиш;

маҳаллий ёки хорижий юридик шахслар билан танлов асосида авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини етказиб бериш бўйича шартномалар, шунингдек, уларни мамлакатнинг халқаро аэропортларига рейсларни, шу жумладан, транзит рейсларни амалга оширувчи маҳаллий ёки хорижий авиакомпанияларга сотиш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи кенгаш) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги ваколатларни бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

Мувофиқлаштирувчи кенгашга жойлардаги салоҳиятли ҳудудларни ўрганиш асосида туризм инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ҳудудларини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиш;

туризм инфратузилма объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш;

туризм соҳасига инвестициялар жалб этиш бўйича инвесторлар билан музокаралар олиб бориш, улар билан инвестициявий келишув ва шартномаларни имзолаш, шунингдек, инвесторлар томонидан лойиҳани амалга ошириш бўйича мажбуриятлар қабул қилинган ҳолда уларга ер участкаларини ўрнатилган тартибда "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали тақдим этиш масаласини кўтариш.

(Давоми 2-саҳифада)

Хоразм вилояти

## "Қовун сайли – 2019" фестивали якунланди

*Хоразм воҳаси қадимдан ўзининг шириндан-шакар қовунлари билан машҳур. Шунинг учун ҳам воҳада ҳар йили, август ойида, айни полиз маҳсулотлари пишиб етилган паллада анъанавий қовун сайли ўтказиб келинади. Қадим ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрида ўтказилган қовун сайли бу йил ҳар йилгидан ҳам бошқачароқ бўлди, десак янглишмаймиз.*



Буни ҳар бир туман учун белгиланган павильонларнинг гуллар, полиз-сабзавот маҳсулотлари ва мева-чевалар билан безатилганидан ҳам билса бўлади.

Ушбу сайлда хоразмликлар билан бирга хорижий сайёҳлар ҳам бирдай иштирок этди ва уларда бу тадбир жуда катта таассурот қолдирди.

– Тўғрисини айтсам, шу пайтгача дунёнинг кўпгина давлатларида бўлиб қовуннинг шунча тури борлигини билмаган ва барчасини бир жойнинг ўзида тановул қилмаганман, – дейди германиялик сайёҳ Доминик Қуосдорф. – Хивага саёҳатим шундай байрамга тўғри келганидан бениҳоя бахтиёрман. Ҳар бир қовуннинг мазаси ўзига хос. Айримлари жуда ширин. Бу таъмлар ва бу ердаги кўриниш, мезбонларнинг меҳмондўстлиги бир умр ёдимда қолади.

Деҳқонлар ва амалиётчи олимлар қовуннинг унутилган навларини тиклаш, экспортбоп янги навларини яратиш ва кўпайтириш устида ишламоқда. Селекционер олимлар томонидан ҳосилдорлиги юқори бўлган, ноқулай об-ҳаво шароитлари, айниқса, оқпалак касаллигига чидамли, экспортбоп "Гурлан", "Амударё", "Гулоби Хоразми", "Саховат", "Заргулоби" навларининг яратилгани бу борадаги изланишларга ёрқин мисолдир. Ҳозирда вилоятда қовуннинг 125 тури мавжуд.

"Қовун сайли – 2019" фестивали доирасида кейинги йилларда вилоятда қовунчилик ва полиз экинлари бўйича илмий ишлар олиб бораётган соҳа мутахассислари фаолияти билан яқиндан танишиш имкони яратилди.

Фестиваль доирасида вилоятнинг фольклор-этнографик гуруҳлари, ёш эстрада хонандаларининг чиқишлари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари, гуллар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиши ҳам ташкил этилди.

Ҳар бир туман ва шаҳар учун ажратилган, байрамона безатилган павильонларда қовунлар ўзига хос манзарали кўринишда намойиш этилди ва тадбир сўнггида безатилган павильонлар ҳайъат аъзолар томонидан баҳоланиб, Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Янгиариқ, Янгибозор, Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Хива, Урганч туманларига вилоят ҳокимлигининг совғалари – "DAMAS" ва "LABO" енгил автомашинлари топширилди.

– Қовунларимизнинг мазасига гап йўқ, – дейди Урганч туманидаги "Давлат-Раҳматилла" фермер хўжалиги раҳбари Озод Раҳматиллаев. – Қовун сайлига энг сара, ширали қовунлардан олиб келдик. Татиб кўриб, баҳосини бераверасизлар.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Куни кеча "Ўзсаноатқурилишбанк"да "SQB Аёллар клуби"нинг ташкил этилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, банкнинг бир гуруҳ фаол ходималари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.**

## "SQB Аёллар клуби" ташкил этилди

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Баситханова мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш борасида кенг ислоҳотлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Аёлларимиз бугун соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат, саноат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшмоқда. Жорий йилнинг 21 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида Президентимиз томонидан мамлакатнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар сафига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо берилиб, бир қатор вазифалар белгиланди.

Хусусан, бугунги кунда банкда жами 1750 нафарга яқин аёллар хизмат қилмоқда. Банк тизимида хотин-қизларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш, етакчилик қобилиятини кучайтириш, сиёсатчи, раҳбар ва жамоат арбоблари сифатида ўзларини намоён қилиш ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахборот ва мафкуравий ислоҳотлар жараёнида уларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида "SQB Аёллар клуби" фаолияти йўлга қўйилмоқда.

**Банк Ахборот хизмати.**

Фарғона вилояти

## Янги қўй зотини яратган фермер

### уни яйлов муаммоси қачонгача қийнайди?

**Бугунги кун фермери ҳисоб-китобни пишиқ-пухта биладиган, тадбиркорликдан хабари бор, ўз соҳасига доир билимларни пухта эгаллаган, атрофидагиларга бефарқ қаролмайдиган, салоҳиятли киши бўлиши кераклигини биз Абдусаттор Темиров билан суҳбатлашиб ўтирган чоғимизда билдик. У Риштон туманининг Оқтомир қишлоғида жойлашган қўйчилик бўйича наслчилик хўжалиги мақомидаги "Шоҳ оқ ер ҳисориси" фермер хўжалигини ташкил қилганида ширкат хўжаликлари тугатилаётган, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилинаётган эди.**

Қўйчилик фермасини улоқ қилиб, талашни кўзлаган олғир хўжалик раҳбарлари бор эди ўшанда. Абдусаттор ака уларни курашларда енгиб чиқди, қўйларни бўри оғзидан олгандек, олғирлардан асраб қолди. У ушбу воқеаларни унутармиди? Ҳар замонда эслаб туради, бошини сарак-сарак қилиб кулиб қўяди. Ўша пайтдаги раислар хўжаликларни тугутишни талон-тарож қилиш, деб тушунган бўлса керакки, тумандан бириктилган тугатиш комиссиясининг раиси ҳам беш қўлини оғзига тиққанлардан чиқиб қолди. Лекин Абдусаттор ака билан бирга ишлаган чўпонлар ҳам бир сўзда туриб олишди, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашди. Бир томони талон-тарож қилишга улгурилган қўйчилик фермасини сотиб олиш эвазига ташкил қилинган чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги йиллар ўтган сари "ҳам энига, ҳам бўйига ўсди"...

Абдусаттор аканинг фермерлик фаолияти ҳақидаги куюнчаклик билан гапираётган гапларига қулоқ тутсангиз, унга бўлган ҳурматингиз, меҳрингиз юз чандон ортиши тайин. Юртимизда ана шундай, эл-юрт учун хизмат қиладиган, жонсарак инсонлар билан замондош эканлигингиздан ғурурланиб кетасиз.

Абдусаттор Темиров мақсади йўлида тинмади, изланишларини давом эттирди. Кўп йиллик изланишлари натижасида самарага эришди. Қўйчиликда янги тип яратди. Уни янги насл, зот деса ҳам бўлади. Абдусаттор ака "Фарғона-Риштон-Дашт" номи билан аталувчи янги қўй нави яратганини дастлаб овоза қилмади. Лекин янгилик дегани тез тарқалар экан, кўпчиликнинг тилига тушди. Ҳамкасблари, билган ёр-биродарлари, мутахассислар уни табриклашди...

(Давоми 3-саҳифада)

Ҳудудлар комплекс ривожлантирилади ва коммуникациялар инфратузилмаси яхшиланади

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2019-yil 15-avgust, payshanba **52 (9019)-son**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

4. 2020 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ мамлакатларнинг фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш ва автомагистраль йўллари бўйлаб туризм хизматларини ташкил этишни назарда тутувчи Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрига боғланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ шаҳригача "Ўзбекистон туризм магистрали" туризм транспорт коридорини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. "Ўзбекистон туризм магистрали" туризм транспорт коридори бўйлаб автомагистраль йўллари ва йўлбўйи инфратузилмаси ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қуйидаги ваколатлар берилсин:

капитал ва жорий таъмирга муҳтож йўл участкаларини аниқлаш, шунингдек, яратиладиган йўлбўйи инфратузилмаси объектларининг жойлашувини белгилаш;

йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорларга рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишда (ер участкаларини ажратиш, қурилишга рухсат олиш) кўмаклашиш;

тегишли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатига кирувчи муаммоли масалаларни (йўл кўрсаткичлар ўрнатиш, санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва бошқалар) ҳал этиш бўйича топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш.

7. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан туризм учун инновацион бизнес ғоя ва стартапларни амалга ошириш мақсадида лойиҳа ташаббускорларига лойиҳа қийматининг 30 фоизи, лекин 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда грантлар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ой муддатда амалга оширилиши тавсия этиладиган туризм учун инновацион бизнес ғоя ва стартаплар рўйхатини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. 2023 йил 1 январга қадар қуйидагилар:

а) етиб бориш қийин бўлган ва чекка жойларда (аҳоли яшаш пунктларидан камида 10 километр ёки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларидан 5 километр узоқликда) кемпинглар ва "сафари" туризмини ташкил этиш бўйича туризм хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар алоҳида автоном инфратузилмани яратган тақдирда мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўлови тўлашдан;

б) юридик шахслар, уларнинг лойиҳа ташкилотлари, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлари жаҳон стандартларига мос ва зарур маданий кўнгилочар инфратузилмаларига эга гольф мажмуаларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан;

лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўловдан;

лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарларни, шу жумладан, "вақтинча олиб кириш" божхона режимида олиб киришда божхона божи ва акциз солиғидан;

в) намунавий лойиҳалар бўйича замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва (ёки) уларнинг фаолиятини ташкил этишни амалга оширувчи юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, ягона солиқ тўловини тўлашдан;

г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган дор (осма) йўлларини, "банжи-жампинг" ва "зиплайн" аттракционларини, бошқариладиган (дирижабль, ҳаво шари) ва бошқарилмайдиган (эркин учиш) аэростатлар, гондолалар, "рафтинг" ва "флайбординг" учун ускуналар, шунингдек, "buggy car", фаэтонлар, жойлаштириш воситаси сифатида тунаб қолиш учун жиҳозланган (ғилдирак устидаги уйлар) ёки кафе-фургонларга айлантирилган ("фудтрак") ер усти транспорт воситалари божхона божи ва акциз солиғидан озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида махсус туризм зоналарини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Жиззах, Наманган, Сурхондарё ва бошқа вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда туризм зоналарини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилишнинг батафсил режасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Туризм зоналарида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш устидан назорат:

"Зомин" бўйича – Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У.Умурзоқов;

"Нанай" бўйича – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов;

"Бойсун" бўйича – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида архитекторлар, картографлар, шаҳарсозлик ва қурилиш муҳандисларидан таркиб топган, 15 штат бирлигидан иборат Туризм зоналари ва кластерларини ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин ва унга туризм инфратузилма объектларини жойлаштиришни режалаштириш ва лойиҳалаш бўйича ишларни ташкил этиш вазифалари юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшган жамоат тузилмалари вакилларига ва хориждаги ватандошларга уларнинг фаолиятини тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан баҳолаш натижалари бўйича топшириладиган "Туризм соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" кўкрак нишонини таъсис этиш;

"Туризм ўқув-консалтинг маркази" давлат унитар корхонаси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш институтини (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

13. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

туризм соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар ва илмий-амалий ишланмаларни мувофиқлаштириш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги ўқув дастурлари ҳамда таълим шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

хорижий мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда туризм соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрловчи ўқув таълим муассасалари фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, консалтинг ва ўқув марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

ягона тест синови тизими асосида гидлар, экскурсия етакчилари, йўриқчи-кузатувчилар учун малака сертификатини бериш.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Институтнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаган ҳолда унинг Уставини;

Институтнинг тузилмаси ва штат жадвалини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Институт ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ходимларига тенглаштирилсин.

Институт Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 115а-уй манзилига жойлаштирилсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг илтимосномаси келиб тушган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тадбиркорлик субъектларига замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш учун 80-100 квадрат метр ўлчамда ер участкалари электрон аукционга қўйилмасдан ажратилиши юзасидан шахсий жавобгарлиги белгилансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида, Жиззах вилоятининг Зомин туманида электр энергияси, газ, сув таъминоти ва канализация иншоотларини, шунингдек, автомобиль йўлларини жадал реконструкция қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини келгусида Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурига киритишни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастурлари доирасида ажратиладиган маблағларни биринчи навбатда "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" мақомидаги фуқаролар йиғинларини ободонлаштириш, шу жумладан, ички автомобиль йўлларини таъмирлаш, электр энергия, газ ва сув таъминоти, канализация тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, мобил алоқа ва интернетни яхшилаш мақсадида қўшимча базавий станцияларни ўрнатиш учун йўналтириш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

а) "Uzbekistan Airports" АЖ, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда "Очиқ осмон" режими жорий қилинаётган Ўзбекистондаги халқаро аэропортларнинг учиш-қўниш йўллари, ҳаракатланиш йўллари, қўмондонлик-диспетчерлик пунктлари, аэронавигация жиҳозлари ва стационар ер усти алоқа тармоқларининг реконструкция қилинишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2020-2022 йиллар давомида 4-иловага мувофиқ миллий ва хорижий авиакомпанияларни жалб қилиш учун истиқболли хорижий мамлакатлар шаҳарлари билан авиақатновларни босқичма-босқич йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

в) 2020 йил 1 январга қадар ҳамкорликни ва парвозлар географиясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларининг хатловдан ўтказилишини ва қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) 2020 йил 1 январга қадар радиотехника жиҳозларини босқичма-босқич модернизация қилиш ва аэронавигация хизматларини кўрсатиш ҳажмини ошириш дастурини ишлаб чиқсин;

д) "Uzbekistan Airways" АЖ, "Uzbekistan Airports" АЖ ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда "Uzbekistan Airways" АЖ ва "Uzbekistan Airports" АЖни ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи барқарор бизнес-моделни ишлаб чиқсин:

қайтарилмайдиган ва багажсиз тарифлардан фойдаланиш йўли билан авиақатновлар нархларини оптималлаштириш бўйича халқаро тажрибани жорий этиш;

аэропорт инфратузилмасини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури;

ҳаво кемаларини ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш;

авиация ёнилғиси ва ёқилғи-мойлаш материалларини узлуксиз етказиб беришни таъминлаш чоралари;

авиачипталарнинг онлайн савдоси имкониятларини кенгайтириш ва электрон авиа юк варақаларини расмийлаштириш тизимини жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ичида вилоятлараро йўналишлар бўйича авиақатновларни, шу жумладан, яқин ва ўрта масофаларга учишга мўлжалланган ҳаво кемаларидан фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш;

республика ичида норентабел қатновларни амалга оширувчи авиаташувчиларни субсидиялаш механизмини амалда жорий қилиш;

е) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда аэропортлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун табақалаштирилган тарифлар ва йиғимларни ҳисоблаш методикасини тасдиқласин ва республиканинг ҳар бир аэропорти кесимида кўрсатиладиган хизматлар учун тарифлар ва йиғимларни қайта кўриб чиқиш чораларини кўрсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда вертолётларда йўловчи ташиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани, учиб ўтиш ҳудудларини хатловдан ўтказиш, шунингдек, вертолёт майдонларини лойиҳалаштириш ва қуриш асосида юридик шахслар томонидан вертолёт техникасидан фойдаланган ҳолда авиация хизматларини кўрсатиш тартибини жорий этиш чораларини кўрсин;

з) "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар, шу жумладан, юридик шахслар томонидан шахсий кабинет орқали гуруҳ йўл ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда мобил иловалар орқали чипталар мавжудлигини кузатиш ва онлайн брон қилиш имкониятини назарда тутувчи "E-ticket" онлайн чипта савдосининг шаффоф тизимини ишга тушириш ҳамда ишлатиш чораларини кўрсин;

и) "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар халқаро аэропортлар йўловчиларига қулай логистикани яратиш учун мамлакатимиз ва чегарадош давлатлар шаҳарлари ўртасида транспорт алоқаларини (автобус ва темир йўл қатновлари) таъминлаш бўйича режа ишлаб чиқсин;

к) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар халқаро ташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлинмаларига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни тақдим қилиш тартиби ҳақидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 5-иловасида назарда тутилган инвестиция таклифларининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки икки ой муддатда хорижий туристларга республика ҳудудида халқаро тўлов карталари ёрдамида тўловларни амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида миллий тўлов тизимини халқаро тўлов тизимлари билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бир ой муддатда визани расмийлаштириш тартиб-таомилини соддалаштириш, аризаларни кўриб чиқиш муддатларини мақбуллаштириш ва тақдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини қисқартиришни, шунингдек, электрон ҳужжатлар айланмасини жорий этишни назарда тутган ҳолда хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш визаларини расмийлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати 2020 йил 1 январга қадар туристларнинг рўйхатдан ўтганлигини ҳисобга олишни, шунингдек, уларнинг республика ҳудудида бўлишлари ва рўйхатдан ўтганлигини текширган ҳолда вақтида мамлакатдан чиқиб кетиши назорат қилинишини таъминласин. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тегишли дастурий таъминот тизими ишлаб чиқилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган моддий маданий мерос объектлари ҳудудида ободонлаштириш ва қурилиш ишларини олиб боришга йўл қўймаслик юзасидан қатъий назорат ўрнатсин, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси билан келишилган ҳолатлар бундан мустасно.

23. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

а) "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" мақомига эга фуқаролар йиғинлари маҳаллий аҳолисини туристларга сифатли хизмат кўрсатиш бўйича тайёрлаш ва ўқитишни доимий асосда ташкил этсин;

б) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Фуқаролар йиғинларига "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" мақомини бериш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини киритсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда туристик йиғимни ундириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатга киришида туристик йиғимни транспорт турига қараб тўлаш тартибини жорий этиш;

туристлар томонидан туристик йиғимни мустақил равишда тижорат банклари филиаллари, туристик ахборот марказлари ва электрон ахборот тизимлари орқали тўлаш механизмларини жорий этиш орқали йиғимни тўлаш усулларини кенгайтириш;

г) Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тадбиркорлик субъектларининг харажатларини қоплаш учун маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Молия вазирлиги, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аудиовизуал маҳсулотларни яратишда чет эл кинокомпанияларига харажатларининг бир қисмини қайтариш ("rebate") тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда Ўзбекистон миллий кинокомиссиясига ҳар йили:

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан чет эл кинокомпанияларига бепул асосда ташкилий ва ишлаб чиқариш-техник ёрдам кўрсатиш бўйича вазифаларни амалга ошириш;

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳузуридаги Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мамлакат кинематографияси, кинолокацияси, кинотуризмини ва "rebate" тизимини тарғиб қилиш мақсадида халқаро кино тадбирларда миллий павильонлар ташкил қилиш ва ҳар йили "PROlogue" халқаро кинофестивали доирасида "LocationEXPOuz" маҳаллий кинолокацияларининг халқаро кўргазмасини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин;

ж) бир ой муддатда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

з) Хусусий туризм ташкилотлари уюшмаси билан биргаликда келгусида туризм операторлари томонидан турли туризм йўналишлари шакллантирилиши учун мамлакат ҳудудларининг ноёб туристик салоҳиятини ва истиқболли туризм намойиши объектларини доимий равишда ўрганишни ва тарғиб қилишни таъминласин.

24. Мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар 15 кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан ахборот киритиб борилишини таъминласин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар ва тематик кўрсатувларни ташкил этсин.

28. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 август

# МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида биринчи марта инвестициянинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38 фоиздан ошди. Олдинги йилларда бу кўрсаткич 25 фоизга ҳам етмасди.

12 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида **инвестициялар ва экспорт ҳажмини кўпайтириш** юзасидан белгилаб берилган вазифаларни ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарурлиги яна бир бор қайд этилди.

**Ёқилғи-энергетика соҳаси ва саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш** бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу тармоқда ягона давлат сиёсатини олиб борувчи Энергетика вазирлиги ташкил қилинди.

Йиғилишда бу соҳани изчил ривожлантириш, тобора ўсиб бораётган ички эҳтиёжни қондириш учун хомашё базасини мунтазам кенгайтириб бориш кераклиги қайд этилди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш, энергия ресурслари учун ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солиш, дебитор қарздорликни қисқартириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Кимё саноатида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган 4 та корхонани йил якунигача фойдаланишга топшириш, 31 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишларни тезлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника саноатини янада ривожлантириш, бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириб, маҳсулотлар таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

Шундан сўнг **ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммуникациялар инфратузилмасини яхшилаш** масалалари кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида уй-жойлар, йўл-логистика ва ижтимоий инфратузилма объектлари қуриш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Обод қишлоқ" дастури доирасида 159 тумандаги 478 та қишлоқ янгича қиёфа касб этди, уларга ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари тортилди. Шунингдек, 3,6 минг километр автомобиль йўлларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу борадаги ишларни давом эттириб, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш масалаларига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йил якунига қадар 10 мингта уй-жой ва 111 та кўп қаватли уйларни қуриб битказиш, 1 минг 200 километр ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, уларнинг сифати ва нархларини алоҳида назоратга олиш зарурлиги таъкидланди.

Транспортда йўловчи ва юк ташиш сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, мутасаддиларга 10 минг километрлик республика ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни қуриш ва таъмирлаш, халқаро юк ташишларга ихтисослашган транспорт-логистика қўшма корхоналарини тузиш, Бухоро, Қарши, Нукус ва Термиз халқаро аэропортларини "очиқ осмон" режимига ўтказиш, "Навоий қуруқлик порти"ни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, шаҳарсозлик нормалари ва лойиҳалаштириш жараёнларини такомиллаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан ҳам вазифалар белгиланди.

Йиғилишда **аграр соҳа ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш** борасидаги натижалар ҳам таҳлил қилинди.

Кейинги уч йилда бу соҳаларни барқарор ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича кўплаб қарорлар ва дастурлар қабул қилинди. Фермерлар манфаатдорлиги ва даромадларини оширишга қаратилган иқтисодий механизмлар жорий этилди.

Бугунги кунда истеъмол маҳсулотларининг 70 фоизи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида яратилмоқда. 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилиниб, экспортдан тушаётган жами даромаднинг 20-25 фоизини таъминламоқда. Иқтисодий фаол аҳолининг 27 фоизи ушбу соҳада банд.

Ҳозиргача 94 туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. Бу йилги ғалла ҳосили 7 миллион тоннадан ортди. 15 минг гектар интенсив боғ ва 11 минг гектар токзор барпо этилди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, куз ойларида қўшимча сабзавотлар экиш, туманларнинг табиий иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирлари ҳам белгиланди.

Маҳсулотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш масаласи кўрилар экан, жорий йил охиригача қуввати 150 минг тонна бўлган 12 та логистика маркази ва сиғими 143 минг тонна бўлган 224 та музлаткичли омборхонани ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Ғаллачилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплекслари ташкил этиш, сувни тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

**Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш** масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, спорт ва илм-фан соҳалари, хотин-қизлар ва ёшлар масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларини узоқ муддатли ривожлантириш бўйича концепциялар қабул қилинди. Ижтимоий соҳа ходимларининг иш ҳақи ўртача 1,5-2 баробар оширилди.

Ўтган даврда 14 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, 6 та маҳаллий ва 8 та хорижий олий таълим муассасаси филиали фаолияти йўлга қўйилиб, 40 та янги таълим йўналиши ҳамда 41 та янги мутахассислик ташкил этилди. Қабул квоталари ўтган йилга нисбатан 20 фоизга кўпайтирилди.

Туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича кўрилган чоралар натижасида 6 ойда юртимизга 3 миллион нафардан ортиқ хорижий турист ташриф буюрди. Бу ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўпдир. Шунингдек, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28 фоиз кўп туризм хизматлари экспорт қилинди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида 100 миллиард сўм ажратилди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида ушбу маблағларнинг 41 фоизи ўзлаштирилиб, хотин-қизлар томонидан 1 минг 755 та лойиҳа амалга оширилди ва 2 минг 240 та иш ўрни яратилди.

Йиғилишда ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш, хизматлар қамрови ва сифатини ошириш бўйича қўшимча вазифалар белгилаб берилди.

– Барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислоҳотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт, – деди Президент.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ҳудудлар раҳбарлари амалга оширилган ишлар самарадорлиги, 9 ой ва йил якуни бўйича кутилаётган натижалар, бу борадаги устувор вазифаларни бажариш юзасидан ҳисобот берди.

Йиғилиш якунлари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

**ЎзА**

2019-yil 15-avgust, payshanba 52 (9019)-son www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz

Самарқанд вилояти

***Каттақўрғон туманида 2018 йилгача 44 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда улар сони 58 тани ташкил этади. Айни пайтда давлат-хусусий шерикчилик ҳамда оилавий нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.***



# “Миттижон” – МИТТИЖОНЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА



– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 30 июлдаги “Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш борасидаги ҳаракатлар қишлоқларимиздаги мактабгача таълим муасассасаларининг янада кўпайишига, мавжудларида эса кичкинтойлар учун шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилмоқда, – дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Тоштурди Алқаров. – Жорий йил бошида “Миттижон” номли 50 ўринли хусусий ва яна бир 50 ўринли давлат-хусусий шерикчилик асосидаги МТМ ишга туширилди. Бугунги кунда 58 та давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган 418 нафар педагогларнинг 89 нафари олий маълумотли, 7 нафари тугалланмаган олий маълумотли ходимлардир.

Бўлимимиз томонидан жойларда қатор тадбирлар ўтказиляпти. Масалан, тумандаги барча мактабгача таълим муассасаларида очиқ машғулотлар ташкил этилди. Бундай машғулотлар орқали энг аввало тарбиячилар билим даражаси, изланувчанлиги, фаоллиги назорат қилинганлиги аҳамиятлидир. Уларда тумандаги мактабгача таълим муассасалари фаол иштирок этдилар. Шунингдек, бўлим тасарруфидаги барча муассасалар тарбиячилари, мусиқа раҳбарлари, жисмоний тарбия йўриқчилари учун ҳар ойнинг охирги шанба кунлари жадвал асосида амалий семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

“Илк қадам” давлат талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини амалга ошириш тизимидаги энг муҳим вазифалардандир. Ҳужжатларни расмийлаштириш, педагог кадрларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш, тарбияланувчиларни мактаб таълимига тайёрлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор билан ёндашилиши тизимда кўзланган мақсад сари дадил интилиш имкониятларини оширади.

Қайси соҳани олмайлик, замонавий кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир натижага эриша олмаймиз. Бундай ишлар эса аввало мактабгача таълим тизимидан бошланди.

Нодавлат (хусусий) мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш истагида бўлган тадбиркор Икром Усмонов томонидан ўтган йилнинг охирида “М.Улуғбек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 50 ўринли боғча қурилиши бошланган эди. Қурилиш қиймати 1 миллиард сўм бўлган МТМ биносида бунёдкорлик ишлари қисқа муддатда ниҳоясига етди. Яқинда эса “Миттижон” деб номланган ушбу болажонлар масканининг очилиш маросими бўлди. Маросимда иштирок этган туман ҳокими Аъзамхон Баҳромов, туман жамоатчилиги, ота-оналар боғчадаги яратилган шарт-шароитлар, қулайликлар билан танишдилар.

**Актамжон БЕРДОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# Сувни ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиз

***Дунё миқёсида ичимлик суви тобора камайиб бормоқда. Бунга аҳолининг ўсиши, дарёлар оқимида сувнинг исроф бўлиши, сув манбаларининг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши сабаб бўляпти.***

Сув бойликларини ҳимоя қилишга юртимизда жиддий эътибор беріляпти. Ўзбекистон Республикасининг Сувни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни 1-моддасида сувга бўлган муносабатларни бошқариш лозимлиги таъкидланиб, у табиатнинг бошқа бойликлари билан боғлиқ эканлиги қайд қилинган. Шунинг учун мамлакатимизнинг Қазилма бойликлар ҳақидаги Қонунида улардан фойдаланишда сув манбаларини ифлослантирмаслик таъкидланган. Балиқларни ҳимоя қилиш учун тоза сувларга ифлосланган сувларни ташламаслик кўрсатилган. Мамлакатимизнинг сув қонунчилигида сувнинг тозалигига ташкилотлар, корхоналар ва ҳар бир шахс жавобгарлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

**Ферузбек САЙФУЛЛАЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**

√Эълон

***Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!***

## “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ

**такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 12 августдаги 769-770-771-772-сонли буюртманомаларига асосан, қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1.Қашқадарё вилояти, Миришкор туманида жойлашган, умумий майдони 4539,88 кв.метр, қурилиш ости майдони 3130,06 кв.метр, 4 та литердан иборат, 1 қаватли “Жейнов деҳқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 037 116 000 сўм.

2.Фарғона вилояти, Фарғона туманида жойлашган, умумий майдони 10400 кв.метр, қурилиш ости майдони 2676,95 кв.метр, бетон майдони 2218,0 кв.метр, асфалът майдони 2478,85 кв.метр, 6 та литердан иборат, 1 қаватли “Водил деҳқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 4 883 065 731 сўм.

3.Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманида жойлашган, умумий майдони 5600 кв.метр, қурилиш ости майдони 3560,0 кв.метр, 9 та литердан иборат, 1 қаватли “Бандихон деҳқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 2 523 133 000 сўм.

4.Андижон вилояти, Олтинкўл туманида жойлашган умумий майдони 7000,0 кв.метр, қурилиш майдони 6913,0 кв.метр, 5 та литердан иборат бўлган “Оқтепа деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 2 242 071 000 сўм.

5.Жиззах вилояти, Арнасой туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 995,9 кв.метр, 3 та литердан иборат бўлган “Арнасой деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 416 940 000 сўм.

6.Сирдарё вилояти, Ховос туманида жойлашган умумий майдони 5600,0 кв.метр, қурилиш майдони 892,0 кв.метр, 9 та литердан иборат бўлган “Ховос деҳқон бозори” 1 қаватли мажмуаси, савдо расталари ва автотураргоҳ. Бошланғич баҳоси – 1 962 303 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 26 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.



# Янги қўй зотини яратган фермер

## *уни яйлов муаммоси қачонгача қийнайди?*

(Боши 1-саҳифада)

Янги тип, яъни, қилган ишларининг самараси ўлароқ вужудга келган янги қўй зотига ном беришга келганда фермер кўп ўйлади, бош қотирди. Унга қўйчивонлари ёрдам беришди, ўзлари ўйлаб қўйган номларни тавсия қилишди.

– Нима деб номласак экан, деган ўйда юрган пайтимизда вилоят чорвадорларининг йиғилиши чақирилди, – дейди Абдусаттор Темиров. – Менинг янги зот яратганим ҳақидаги хабардан вилоят раҳбари Шуҳратжон Ғаниев воқиф бўлган, ҳужжатлар билан танишган эди. Амалий семинар давомида ҳоким мен ҳақимда гапириб қолди ва янги яратилган зотга қандай ном берсак бўлади, дея ҳаммадан фикр сўради. Бири у деди, бири бу деди. Лекин билиб турибман, тавсия қилинаётган номлар ҳокимга ёқмаяпти, шу жумладан, менга ҳам. Орамизда селекционер олимлар ҳам бор эди. Шунда ҳоким агар ҳамма ўз фикрини билдириб бўлган бўлса, менда ҳам бир фикр бор, деб қолди. Ҳамма диққат билан унга қаради. Янги зотга “Фарғона-Риштон-Дашт” деган ном берилса, нима дейсизлар, деди. Одатдагидек, ҳамма қарсак чалиб юборди. Таклиф маъқулланди. Янги ном Республика наслчилик инспекцияси томонидан ҳам тасдиқланди.

Давлат экспертизаси ва синов комиссиясининг хулосасига кўра фермер хўжалиги томонидан яратилган гўшт-ёғ берувчи думбали қўйларнинг “Фарғона-Риштон-Дашт” номли чорвачилик селекциясидаги бу типи қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ҳимоясига олинди. Чорвачиликда наслчилик ишлари Бош давлат инспекциясининг 2015 йил 29 сентябрдаги 26-сонли буйруғи билан фермер хўжалигига 0150227-сонли гувоҳнома берилиб, Республика Интеллектуал мулк агентлигининг янги зот чиққанлиги тўғрисидаги патенти ҳам олинди. Жумладан, Давлат экспертизаси ва синови комиссиясининг хулосасида қўйларнинг мазкур типини қонунчилик талаблари асосида тан олиш, селекция ютуғини қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат ҳомиясига олиш алоҳида қайд этилди. Шундан бери бу ерга олимлар, соҳа мутахассислари, чорвачилик йўналишидаги фермерлар келиб туради.

Фермер хўжалигида бугунги кунда 4000 бошдан ортиқ қўй, 60 бош катта-кичик қорамол, 35 бош от, 300 бош эчки, 150 бош ҳар хил парранда, 30 та асалари оиласи, 50 бош қуён, 100 та оқ каптар парвариш қилинаётир. Улар ветеринария қоидаларига амал қилинган ҳолда, белгиланган рацион асосида боқиляпти. Шу боисдан улар соғлом, касалликларга чалинмайди. Фермер хўжалигидан истаган юридик субъект ўзида парваришлаш ва кўпайтириш учун қўйларни пул ўтказиш йўли билан шартнома асосида олмоқда. Куз ўрталарида тоғдан, қир яйловларидан қайтган қўй-қўзиларидан маҳалла аҳлига ҳам сотилади. Унинг қўйларига навбатда турганларнинг кўплиги ушбу зотли қўйга одамларнинг қизиқиши ортганидан далолат беради.

Абдусаттор Темиров метин иродали бўлгани учун фарзандларини ҳам шундай кучли иродага эга қилиб тарбиялади. Кенжа фарзанди Шералини ўз ишини қўлидан олиши учун неча йиллардан бери ёнида олиб юриб, иш ўргатди. Бугун унга ишонади.

### “МУАММОМИЗНИ КИМ ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРАДИ, БУ УМУТАРМОҚ МУАММОСИ ЭМАСМИ?”

Афтидан, кўпдан бери уни ўйлантириб юрган муаммо ҳал бўлмаётганга ўхшайди. Қўйчилик учун биринчи галда яйлов зарур.

– Риштон туманида 1 гектар ҳам яйлов йўқлиги учун бир неча йил илгари вилоят ҳокими бизга ўхшаб қийналиб қолган фермерларга беғараз ёрдам қўлини чўзган эди, – дейди Абдусаттор Темиров. – Ҳоким арзимизни тинглагач, Ўзбекистон туманидан 1,5 минг гектар қир яйловларини тасарруфимизга олиб берди. Тавсия этган ҳужжатларимиз асосида туман ҳокимининг қарори чиқди, уни вилоят ҳокими тасдиқлади. Раҳмат, фойдаланилмай ётган шу ердан самарали фойдаландик. Бироқ, ўртада бу яйловлар ўрмон хўжалиги ихтиёрига ўтиб кетибди. Туман ва вилоят ҳокимларининг қарорлари бекор қилинганини ҳам билмаймиз. Қўйларимизни ўша ерларда кўрган заҳоти ўрмон хўжалиги ходимлари солиқчиларни чақириб, қўйларимизни санай бошлайди, дўқ-пўписа қилади. Ноилож яйлов ҳақини улар айтганидай қилиб тўлаймиз. Ўзингиз ўйланг, ўрмончилар бизнинг қўйларимизга қарашмаса, ҳимояламаса, йўлларни текисламаса, соғлигини текширмаса, сув ташиб бермаса-ю, бекорга пул талаб қилишса, буни қандай тушуниш мумкин? Бизнинг арзимизни эшитиб, ҳал қилиб берадиганлар борми, дея кутишдан бошқа иложимиз қолмади. Қўйларни яйловда яйратиб боқмасангиз, бўлмайди. Сотиб олган ем-хашагингиз билан 4-5 минг қўйни боқиб, кўзлаган даромадни ололмайсиз.

Фермер ўзига ажратилган яйлов бўлмаса ҳам Ўзбекистон, Тошлоқ, Ёзёвон, Қува туманларида, Наманган вилоятининг Чуст тумани ва Андижон вилоятининг Асака туманидаги яйловларда қўйларини боқаётганини айтди. Бироқ, тарвуздан бўшаган, буғдойдан бўшаган, пахтаси териб олинган ерларда қўйларни боқиш учун ҳам пул тўлашаётган экан. Яйлов масаласи ҳал бўлмас экан, сарсонгарчиликлар бўлаверишини таъкидлади, фермер. Ҳозир фермер хўжалигида 4000 дан ортиқ қўй боқиляпти. Ўтган йили аҳолига тирик вазнда 40 тоннадан ортиқ қўй кредитга берилди, 3 тонна сифатли қўй гўшти пойтахт бозорларида арзон нархда сотилди. Қишга тайёргарлик кўриш доимий эътиборда турибди. Хўжаликда меҳнат қилаётган 70 ишчи-хизматчининг барчаси фермер каби ишчан. Улар ҳозиргача икки ўримда 5000 тадан ортиқ беда пичанини пресслаб, босиб қўйишди. Яна камида 1,5 мингта пресс босилади. Сийрак бедазорларга гектарига 200 килограммдан арпа экилиб, ўриб олинди. Кузги маккажўхори ўриб олингач, ўрнига яна арпа экилади.

– Ғилофгарчиликни сира кўнглим кўтармайди, – дейди Абдусаттор ака. – Ўтган йили бир олифта йигит олдимга келди, банкдаги ҳисоб рақамимга 25 миллион сўм пул ўтказибди. Тоға, қўй боқиш учун умуман имкониятим йўқ. Шу пулнинг 20-25 фоизини ўзингизга олиб қолиб, қолган қисмини менга нақд қилиб берсангиз, деди. Мен унга шу пулингга қўй олиб, уни кўпайтириб, даромад қилсанг яхши бўлмайдими, десам, кўнмади. Сен ўйлаган ишни қилмайман, дедим дангалига ўтиб. 53 йилдан буён шу соҳада ишлаб келяпман. Давлат менга имтиёз ҳам, имконият ҳам беряпти. Қўлимни ҳаром ишга урмайман. Ота-бобомдан қолган 2 та мол бугун 70 тадан ошди, 1 та отим 40 тага етди, шунча боғим бор. Меҳнат қилиб, бола-чақа орттирдим. 7 нафар фарзанд ўстирдим, ҳаммаси уйли-жойли. Хонадонларига 15-20 тадан парранда қилиб берганман. Оладиган қўйингга яна 1 та қўшиб беришим мумкин. Лекин сен юрган йўлдан мен ҳеч қачон юрмайман. Мен сенга ўхшаб алдамчилик қилолмайман, дедим. Йигит гапларим тугамасидан туриб кетди, шу бўйи кўринмайди кўзимга. Яна иккитаси худди шу фикр билан келди, пулларини келган жойига қайтариб юбордим. Шундайларга банкдаги баъзи “акалар” кредит бераверадида, биздақалар оламан, деса баҳона қилишади.

Абдусаттор Темиров ҳақиқатни бетга айтадиган одам. Аяб, бўяб ўтирмайди. Яхшилик қилганни, ҳақиқатга риоя этганни ҳурматлайди. Касбига бўлган меҳр юрагида ғайратини уйғотган. Ғайрати эса ўзига тинчлик бермайди. 53 йил бир соҳада ишлаб, ўз мақсадига эришгани кўнглини таскин топтиради.

– Собиқ иттифоқ даврида қўйлардан жун олишга кўпроқ эътибор бериларди, – дейди у. – Биз топширган жун Россияга олиб кетилиб, ундан валинка, бошқа пойабзаллар тайёрланар, мато тўқишда ишлатиларди. Шунинг учун сержун қўйларни кўпайтирар эдик. Ҳозир жунни биров сўрамайди, думбадор, гўшти тош босадиган қора қўчқорларга талаб катта. Қишда туғилган қўзимиз кузга бориб 40 кило атрофида тош босяпти. Уни халқимизга кўпайтириш учун, истеъмол учун сотяпмиз. Аммо яйлов муаммоси бизни жуда қийнаяпти. Чорвани ривожлантириш учун бизга қарор билан берилган яйловни ўрмон хўжалиги олиб қўйса, уни ҳал қилиб беришга вазирлик аралашмаса, нима қилишга ҳайронмиз...

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

√Қутлов

***Кенг кўламда мелиорация тадбирларини амалга ошириб, Қашқадарё воҳаси деҳқонларининг мўл ҳосил етиштиришларига ўзларининг муносиб улушини қўшаётган***

**“ЯККАБОҒДАВСУВМАХСУСПУДРАТ” ДУК жамоаси**

*ватандошларимизни яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз айём МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ билан қизғин муборакбод этади. Барчангизга тани сиҳатлик, хотиржамлик, меҳнат фаолиятингизда янги-янги зафарлар тилайди. Илоҳим, тинч, осуда ҳаётимизга, мусаффо тонгларимизга кўз тегмасин.*




*Меҳнатсевар, меҳмондўст, танти халқимиз доимо омон бўлсин!*





*Деҳқон меҳнати қачон юзага чиқада? Қачонки, у деҳқончилик қилаётган замин захдан холи бўлса! Ернинг шўри чекинган бўлса! Деҳқон меҳнати кўринади. Ерга қадаган уруғи бехато униб чиқиб, юзини ёруғ қилади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, замин шифокорларининг меҳнати бободеҳқонларимиз ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади. Эътироф этиш жоизки, соҳа вакиллари ўтган йиллар мобайнида ҳақиқатан ҳам эътиборга молик ишларни амалга ошириб, зиммаларидаги вазифани аъло даражада уддалаб келишмоқда. Шу жумладан, Фарғона вилоятида кенг кўламли мелиорация ишларини бажариб келаётган*



Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
"Ўзсувқурилиштаъминот" республика бирлашмаси тизимидаги

## "ДАНҒАРАДАВСУВМАХСУСПУДРАТ"
## Давлат унитар корхонаси жамоасининг

меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. Мазкур жамоа аъзоларининг бир ёқадан бош чиқариб, астойдил қилаётган меҳнатлари эвазига замин саховатини кенгроқ очмоқда. Деҳқонлар ҳосилига ҳосил қўшилиб, дастурхонларимиз тўкинлиги таъминланмоқда. Ана шундай хайрли ишларни шижоату ғайрат билан амалга ошираётган соҳа вакиллари юртдошларимизни, жумладан, фидойи ҳамкасбларини Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги байрам билан қизғин қутлайди. Барча-барчага омонлик, эзгу ишларида ўлкан зафарлар тилайди.

*Доимо деҳқонларимизнинг ҳосили мўл, дастурхонларимиз тўкин-сочин, ризқимиз бутун бўлсин!*

## "Нукус вино заводи"
акциядорлик жамияти жамоаси



*барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан муборакбод этади.*

*Қалбларимизни ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик ва яратувчилик шижоати ҳеч қачон тарк этмасин, хонадонларимиздан файз-барака, дастурхонларимиздан тўкин-сочинлик аримасин! Умримизнинг ҳар бир куни байрам бўлсин!*



**Реклама ва эълонлар**

"Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти тизимидаги

## "ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ"
акциядорлик жамияти

қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини буюртма асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

1. Турли русумдаги замонавий ва барча қулайликларга эга тракторлар (8 турда)
2. Пахта териш машиналари (3 турда)
3. Тиркамалар.





Эслатма: ушбу қишлоқ хўжалиги техникалари хорижнинг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган бўлиб, турли афзалликларга эга эканлиги билан ажралиб туради.



Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси 434 уй.
Мўлжал: (собиқ ТТЗ корхонаси.) Телефонлар: (71)264-08-12, (71)264-77-48. Info:@ TZST.uz.

*Маҳсулотлар сертификатланган.* *Хизматлар лицензияланган.*

PLANETA SERVIS

## TRAKTORBOR.UZ
«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

М.Улуғбек т. ДХМ томонидан 05.08.2018 й. 607267 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "ALINA GROUP STROY" МЧЖ (СТИР 305538092) тугатилади. Даъволар учун тел.: (97) 411-04-75.

Тошкент Молия институти томонидан 2014 й. Рустамов Фозилжон Хазраткулович номига берилган бакалавр диплоуи йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

"MEGA INVEST INSURANCE" МЧЖ Суғурта Компанияси (СТИР 207002342) ўзининг фирма номини "MY-INSURANCE" МЧЖ Суғурта Компанияси деб ўзгартирганлигини маълум қилади. "MEGA INVEST INSURANCE" МЧЖ Суғурта Компаниясининг ҳуқуқий вориси деб "MY-INSURANCE" МЧЖ Суғурта Компанияси ҳисобланади. "MEGA INVEST INSURANCE" МЧЖ Суғурта Компанияси билан тузилган барча шартномалар бундан кейин ҳам амал қилиш муддати якунига қадар юридик кучга эга. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Ниёзбек йўли кўч. 1-уй. Тел.: (99895) 341-20-20, 342-20-20 e-mail:mega-invest@mail.ru.

Тошкент вил. Тошкент т.да рўйхатга олинган (СТИР 303069204) "BINOKOR TOSHKENT QURUVCHI" МЧЖ устав фондини 8 352 386 715,70 сўм миқдоридан 4 224 386 715,70 сўм миқдоригачан камайтиришини маълум қилади. Маълумот учун тел.: (97) 721-50-05.

TOG'LAR

## МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Турли моделдаги шиналар
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2



Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Актам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99893) 349-54-39;
Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
Тошкент – (+99890) 976-39-58;
Хоразм – (+99897) 790-47-61;
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-825, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

4 092 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 02.55

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ